ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.02/30.12.2019.B.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОРЕНИЯЗОВА ЛАЛАХАН ЕЛМУРАТОВНА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР ЎЗГАРИШИНИНГ ҲАШАРОТЛАР РИВОЖИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

03.00.10 – Экология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус -2020

УЎТ: 57.574+57.04

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Торениязова Лалахан Елмуратовна
Қорақалпоғистон шароитида экологик омиллар ўзгаришининг ҳашаротлар ривожига таъсирини аниқлаш ва фойдаланишнинг илмий асослари 3

Торениязова Лалахан Елмуратовна
Научные основы определения влияния изменения экологических факторов на развитие насекомых и их использование в условиях Каракалпакстана 19

Toreniyazova Lalakhan Elmuratovna
Scientific basis of the influence of changes in environmental factors on the development of insects and their use in the conditions of Karakalpakstan 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати
Список опубликованных работ
List of published works 39

ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАНЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.02/30.12.2019.B.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ҚОРАҚАЛПОҚ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ТОРЕНИЯЗОВА ЛАЛАХАН ЕЛМУРАТОВНА

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ШАРОИТИДА ЭКОЛОГИК ОМИЛЛАР ЎЗГАРИШИНИНГ ҲАШАРОТЛАР РИВОЖИГА ТАЪСИРИНИ АНИҚЛАШ ВА ФОЙДАЛАНИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ

03.00.10 – Экология

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Нукус -2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/B125 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қорақалпоқ давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.aknuk.uz ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим тармоғида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Шамуратова Нагима Генжемуратовна** қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, доцент
Расмий оппонентлар:	**Абдуллаев Икрам Искандарович** биология фанлари доктори, профессор
	Матжанова Холида Казакбаевна биология фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	**Урганч давлат университети**

Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги PhD.29.12.2018.B.79.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «_____» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ гузари, 41 уй (Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти биноси 3-қавати). Тел.: (+99861) 222–17–44.

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги Ахборот–ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ гузари, 41 уй. Тел.: (+99861) 222–17–44, e–mail: info@aknuk.uz.

Диссертация автореферати 2020 йил «_____» _____ да тарқатилди.
(2020 йил «_____» _____ даги №_____ рақамли реестр баённомаси).

Аимбетов Нагмет Каллиевич
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
академик, и.ф.д., профессор

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, биология фанлари (PhD)

Тлеумуратова Бибигуль Сарибаевна
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, ф.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ҳозирги вақтда бутун дунёда аҳоли сонининг кескин ўсиб бориши туфайли кўпчилик давлатларда аҳолининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабларини таъминлаш асосий муаммога айланмоқда. Бу эса ўз навбатида экологик ҳолатни яхшилаш, экологик тоза озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқиш, табиий ассоциацияларни ҳимоя қилиш, фойдали ҳайвонлардан оқилона фойдаланишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш ва зараркунанда турлари билан қарши кураш тизимини рационализация қилиш заруриятини туғдиради. Натижада умумий биологик маҳсулдорликни ошириш ва агроэкотизимнинг экологик мувозанатини яхшилаш уларнинг барқарорлигини сақлаш, ҳашаротларнинг зарарли турларига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш назарий ва амалий аҳамият касб этади.

Дунёнинг етакчи илмий марказларда ҳашаротларнинг агробиоценозда тарқалиши, қишлоқ хўжалик майдонлари ва экинларида тарқалган бўғимоёқлилар экологияси, зарарли турларга қарши кураш тадбирларини ўтказиш муаммолари бўйича кўп сонли тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада агробиоценозларнинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, бўғимоёқлилар (*Arthropoda*) типига кирадиган ҳашаротларнинг (*Insecta*) тарқалишига, биоэкологик ривожланиш, ҳаёт кечиришига таъсир қиладиган асосий экологик омилларини аниқлашни тақазо этмоқда.

Республикада турғун ривожланиш ва экотизимларда биологик жонзотлар орасидаги экологик мувозанатни сақлаб туриш бўйича амалга оширилган дастурий чора-тадбирлар асосида ҳашаротларнинг зарарли турларига қарши кураш ва агроэкотизимларнинг биохилма-хиллигини сақлаб қолиш бўйича муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш" бўйича аниқ вазифалар вазифаси белгилаб берилган. Юқоридаги вазифалардан келиб чиқиб, қишлоқ хўжалик экинларида тарқалган бўғимоёқлилар экологиясини тадқиқ қилишнинг замонавий методларини қўллаш, зарарли ҳашаротлар турларига қарши кураш бўйича тадбирлар ўтказиш ва самарали методлар ишлаб чиқиш катта илмий-амалий аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 январдаги ПҚ-2731-сонли «2017-2021 йилларда Орол бўйи регионини ривожлантириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги Қарори[1], Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони[2] ва ушбу фаолиятга оид бошқа ҳуқуқий-меъёрий

1 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йилда 18 январдаги ПК-2731-сон «2017-2021 йилларда Оролбўйи регионини ривожлантириш бўйича давлат дастури тўғрисида»ги Қарори

2 Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони

ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация Республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бугунги кунда дунёнинг турли давлатларида, хусусан, АҚШ, Австралия, Туркия, Эрон, Шимолий Кавказ, Арманистон, Озарбайжон, Россия, Ҳиндистон Тожикистон, Туркманистон, Қозоғистон ва ҳ. бирламчи экотизим ва агробиоценозда тарқалган ўсимликлар ва ҳайвонлар турларини, жумладан, қишлоқ хўжалик майдонлари ва экинларида тарқалган бўғимоёқлилар экологиясини ўрганиш, зарарли турларга қарши кураш тадбирларини амалга ошириш борасидаги тадқиқотлар M.S.Mani, 1968; R.F.Morris, 1959; Ю.И.Чернов, 1975; А.А.Шаров, 1986; В.А.Бурыгин, 1990; М.Брайен, 1986; Г.А.Викторов, 1976; В.Д.Валова, 2001; М.С.Дворовский, 1983; А.И.Дятлов, 1959; М.И.Марцинковская, 1990; А.М.Гиляров, 1990; Г.И.Голубев, 1999; О.В.Ларина, 2014; Ю.Одум, 1986; И.А.Шилов, 2003; Б.Чернышев, 2001; В.А.Черникова, 2000)[3] ва б. олимлар томонидан изчил амалга оширилмоқда.

Бу йўналишдаги тадқиқотлар Марказий Осиёда, жумладан, Ўзбекистон шароитида қишлоқ хўжалик экинлари далаларидаги ўсимлик ва ҳайвонлар (ҳашаротлар) тур таркибини аниқлаш бўйича мунтазам илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. М.Б.Аметов (1984), Ж.А.Азимов (1998), А.Г.Давлетшина (1974), М.Муҳитдинов, А.Н.Нигматов (2007), Г.Я.Бей-Биенко (1976), А.Ишматов (2007), А.Рафиқов (2000), Х.Турсунов (1997), Д.Ёрматова (2011), М.А.Жуманов (2017), Т.Жумаев (2004), Ш.П.Каипова (1999), С.М.Мамбетуллаева (1998), Т.Нуратдинов (1994), М.Палваниязов (1973), Р.Реймов (2003), Б.А.Сулаймонов (2013), Г.И.Торемуратова, Е.Ш.Торениязов (1999), Х.Турсунов (1997), С.Е.Трешкин (1994), Ж.Уразбаев (2017), И.Холлиев (2001), Ш.Т.Хўжаев (2004), В.В.Яхонтов (1955), А.Э.Эргашевларнинг (2005) илмий ишларида бўғимоёқлиларнинг тарқалиши ва ривожланишининг биоэкологик хусусиятларини, зарарлилиги ва гуруҳлар бўйича ажралишини, уларга экологик омилларнинг таъсир этиш мезонларини ўрганиш, шунингдек, ҳашаротларнинг зарарли турларига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш бўйича муҳим натижалар олинган.

Лекин Оролбўйи минтақасидаги Қорақалпоғистон агробиоценозининг тўлиқ тадқиқ қилинмаганлиги, биологик организмлар, жумладан, қишлоқ хўжалик экинлари турлари ва далаларда тарқалган ҳашаротлар орасидаги биологик боғлиқлик қонуниятларининг ўзгариши хусусиятларини аниқлаш долзарб илмий-амалий аҳамият касб этади.

---

3 http://www.works.doklad.ru, http://www.km.ru, www.dissercat.com, researechget.com, http://www.fundamental-research.ru, www.webofscience.com ва б.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ, КХА-9-004 «Қорақалпоғистон шароитида фермер ва томорқа хўжаликларидаги сабзавот-полиз экинларида учрайдиган зараркунандаларга қарши қўлланиладиган уйғунлашган кураш тизими элементларини такомиллаштириш» (2012-2014 йй.) ва КХИ-5-036-2016 «Қорақалпоғистон шароитида сабзавот-полиз экинларида тунламлар, шира турларига қарши такомиллаштирилган биологик услубни қўллашни жорий этиш» (2016-2017 йй.) мавзуларидаги амалий ва инновацион лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон шароитида экологик омиллар ўзгаришининг ҳашаротлар (энтомокарифаглар) ривожланишига таъсирини аниқлаш ва фойдаланишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари: қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон шароитида ўзгариб бораётган экологик омиллар элементларини аниқлаш, таъсир этиш мезонларини назарий баҳолаш;

абиотик, биотик ва антропоген омилларнинг қишлоқ хўжалик экинларига таъсир улушини белгилаш;

абиотик омиллар мезонларининг қишлоқ хўжалик экинларига ва далалардаги ҳашаротлар турларига таъсирини аниқлаш;

агробиоценозда ривожланадиган асосий зараркунандала турларини, уларнинг тарқалиш ареалини, ривожланиш динамикасини, экологик омилларнинг доминант элементларидан фойдаланиш йўлларини аниқлаш, зараркунандаларга қарши қўлланиладиган «уйғунлашган кураш тизими» тадбирларини ўтказишда экологик омиллар таъсирини баҳолаш;

қишлоқ хўжалик экин майдонларида тарқалган табиий энтомофагларни аниқлаш ва зараркунандаларга қарши биологик кураш усулини таҳлил қилиш.

Тадқиқот объекти: сифатида Қорақалпоғистон агробиоценозларида тарқалган ҳашаротлар турлари ҳамда уларнинг биоэкологик ривожланишига таъсир кўрсатувчи экологик омиллар танланган.

Тадқиқот предмети ҳашаротлар (зараркунанда ва энтомоакарифаглар) ривожига таъсир этувчи экологик омиллар ўзгаришини таҳлил қилишдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқотда экологик, энтомологик, ботаник, қишлоқ хўжалик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон шароитида биоценоздаги ҳашаротлар турларининг ривожланиш биоэкологиясига салбий ва ижобий таъсирини кўрсатувчи экологик омиллар элементларининг ўзгариш динамикаси аниқланган;

агробиоценоздаги биохилма-хилликнинг ўзгаришида абиотик, биотик, антропоген омилларнинг ҳиссаси аниқланган;

қишлоқ хўжалик экинлари далаларида мавжуд энтомоакарифагларнинг турғунлиги ва барқарорлигини кузатиш натижалари асослаб берилган;

қишлоқ хўжалик экинлари далаларида ҳашаротларнинг «зараркунандаларга қарши уйғунлашган кураш тизими»даги экологик омиллар таъсирининг самараси ўлароқ юзага келган янги яшаш шароитлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бирламчи экотизим ва агробиоценозда учрайдиган зараркунанда ва энтомоакарифаглар популяциялари аниқланди, уларга қарши кураш усуллари такомиллаштирилган;

зараркунанда ҳашаротларга қарши курашнинг атроф муҳитга зарар келтирмайдиган замонавий методлари ва воситалари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

қишлоқ хўжалигида экологик тоза маҳсулот етиштириш, шу билан бирга, сақланадиган экинлар миқдорини ҳисобга олган ҳолда, иқтисодий самарадорликка эришиш имкониятлари бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ўсимликлар ва ҳашаротларнинг тур таркибини ва биоэкологиясини ўрганиш бўйича энтомологияда ҳамда Ўзбекистон Республикаси экология ва табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитаси томонидан қабул қилинган замонавий умумэътироф этилган усулларнинг қўлланилиши ва натижаларнинг қишлоқ хўжалигига жорий қилиниши билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ҳашаротларнинг ривожланиш ва тарқалиш динамикаси, биотопларда айрим турларнинг йўқолиб кетиши ва уларнинг ўрнида янги турларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги мавжуд илмий тасаввурларнинг кенгайииш ҳамда Қорақалпоғистон агробиоценозларидаги энтомофауна биохилма-хилликнинг деградациясига таъсир қилувчи экологик омилларнинг типлари ва мезонларидаги ўзгаришлар тўғрисидаги янги маълумотлардан фойдаланиш бўйича назарий ва амалий муаммоларни ечишни таъминлаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, Қорақалпоғистон агробиоценозларида қишлоқ хўжалик экинларини зараркунандалардан оптимал муддатларда ҳимоя қилишнинг самарали агротехник, биологик ва кимёвий усулларни фойдаланишда тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон шароитида экологик омиллар ўзгаришининг ҳашаротлар ривожланишига таъсирини ўрганиш ва улардан фойдаланиш бўйича олинган натижалар асосида:

қишлоқ хўжалик экинлари далаларида ҳашарот турлари экологик мониторинг чора-тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида амалётга жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 20-январдаги 01/18-1-136-сон маълумотномаси). Натижада ҳашаротлар ривожланишининг биоэкологик хусусиятларини башорат қилиш мақсадида экологик омиллар кўрсаткичларидан фойдаланиш имконини берган.

қишлоқ хўжалик экинларининг асосий зараркунандаларига қарши биологик ва кимёвий кураш тадбирларини ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги амалиётида жорий қилинган (Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2019 йил 10-декабрдаги №01/06-3625-сон маълумотномаси). Натижада салбий экологик омилларни бартараф қилиш бўйича илмий тадқиқотлар асосида қабул қилинган қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларига қарши «уйғунлашган кураш тизими» тадбирларининг самарадорлигига эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг асосий илмий натижалари 16 та, жумладан, 7 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 30 та илмий иш чоп этилиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 17 та илмий мақола, шундан 10 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олтита боб, хулосалар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ишнинг умумий ҳажми 114 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги кўрсатилган. Диссертацияларга қўйилган талабларга мувофиқ, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объект ва предмети тавсифланиб, қўлланилган услублар келтирилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари ва ишончлилиги баён этилиб, натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги тегишли ташкилотлар маълумотномалари билан тасдиқланган. Тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги ва диссертация тузилиши, ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ҳашаротлар биоэкологиясига таъсир этадиган экологик омиллардан фойдаланишнинг аҳамияти ва истиқболлари»** мавзусидаги биринчи бобида биологик организмларга таъсир этадиган экологик омилларни ўрганишга бағишланган маҳаллий ва хорижий илмий манбалар таҳлил қилиниб, мазкур соҳада тадқиқотлар олиб борган эколог, энтомолог олимларнинг илмий ишлари натижаларининг асосида диссертациянинг назарий ва амалий асослари аниқланиб, бундан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўринлари ва қўлланилган усуллар тафсифи»** деб номланган иккинчи бобида тажриба ўтказилган жойларнинг тупроқ-иқлим шароитлари, тадқиқотлар ҳажми, ҳудуди ва усуллари баён этилган (1-расм).



Изоҳ: 1. Нукус шаҳри - 265; туманлар: 2. Амударё - 32450; 3. Беруний - 28696; 4. Бўзатов - 14155; 5. Қонликўл - 32816; 6. Қораўзак - 32234; 7**. Кегейли** - 25032; 8. Қўнғирот - 38146; 9. Мўйноқ -8159 ; 10. **Нукус** - 22791; 11. Тахиатош - 6775; 12. Тахтакўпир - 32655; 13. Тўрткўл - 25707; 14. Хўжайли - 19737; 15. **Чимбой** - 40876; 16. Шўманай - 25910; 17. Эликқалъа - 28402 гектар.

(Тадқиқот ўтказилган Кегейли, Нукус, Чимбой туманлари изоҳда ажратиб кўрсатилди).

- Амударё

- Агробиоценоздаги қишлоқ хўжалиги экинлари экилган жойлар

1-расм. Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалик экинлари майдонларининг жойлашиши

Илмий-тадқиқот ишлари 2015-2019 йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой, Кегейли, Нукус туманларидаги агробиоценозда экилган қишлоқ хўжалик экинлари далаларида ва томорқаларида олиб борилди. Ҳашарот турларига экологик омиллар таъсирини, шунингдек, уларнинг биоэкологик ривожланиш шароитларини ўрганиш бўйича лаборатория ва кичик дала тажрибалари Қорақалпоғистон деҳқончилик илмий-тадқиқот институти тажриба майдонларида ўтказилди. Шунингдек, «Чимбой» метеостанция маълумотларидан фойдаланилди, кўп йиллик

иқлим-метеорологик кўрсаткичлар таҳлил қилинди (ҳаво ҳарорати, нисбий намлик мёъерлари ва ёғингарчилик).

Тадқиқотлар давомида Б.А.Доспехов (1986), Нурматов ва б. (2007), Ш.Т.Хўжаев (2018), А.Ф.Ченкин (1979), Ю.И.Чернова (1975), А.А.Шаров (1986) ишларида қўлланилиб, умумэътироф этилган классик услублардан фойдаланилди. Маълумотларни статистик қайта ишлаш MS EXCEL компютер дастури ёрдамида амалга оширилди.

Диссертациянинг **«Ҳашаротларга таъсир этадиган экологик омиллар»** мавзусидаги учинчи бобида Қорақалпоғистон ҳудуди бирламчи экотизим ва агробиоценоздан ташкил топиши баён қилинган. Бунда бирламчи экотизимда топилган 13 турдаги кўп йиллик ўсимликлардан 8 таси агробиоценозда учрайди, айни пайтда кўп йиллик ўсимликлар бирламчи экотизимдаги бир йиллик ўсимликларга нисбатан кўпроқ учрайди. Асосий турлар ва бир йиллик бегона ўтларнинг 5 та тури бирламчи экотизимда, 7 та тури эса агробиоценозда кўпроқ тарқалганлиги аниқланди. Агробиоценозда қишлоқ хўжалик экинларидан ғўза *(Gossypium L.),* буғдой *(Triticum vulgare* L.*),* шоли *(Oryza sativa* L.*),* маккажўхори *(Zea mays* L.*),* оқжўхори *(Sorghum vulgare* Pers*);* сабзавотлардан: помидор *(Lycopersicon esculentum* Mill*),* карам *(Brassica oleraceae* L. var capital L.), бодринг *(Cucumis sativus* L.*),* сабзи *(Daucus sativus* (Hoffim) Roehl*),* картошка *(Solanum tuberosum* L.); полиз экинларидан: қовун *(Melo orientalis),* тарвуз *(Citrulus vulgaris),* қовоқ *(Cucurbita pepo* L.*),* дуккаклилардан: мош *(Phaseolus aureus* Roxb*),* ловия *(Phaseolus vulgaris* L.*),* беда *(Medicago sativa* L.*)* мавжудлиги аниқланган. Фермер хўжаликлари далаларида ғўза (5,0-56,0 га), буғдой (0,5-23,0 га), шоли (1,0-120,0 га), сабзавотлар (0,1-9,0 га), беда (1,0-43,0 га), дуккакли экинлар (0,8-23,0 га) ва мева дарахтлари (0,1-3,0 га) экилади, томорқаларда эса сабзавот-полиз, донли экинлар, дуккаклилар 0,01-1,2 гектаргача майдонларга экилганлиги аниқланди.

Ушбу экин далаларида бўғимоёқлиларнинг 31 тури, жумладан, кемирувчи ҳашаротларнинг 19 тури ва сўрувчиларнинг 12 тури ўсимликларнинг вегетатив ва генератив қисмлари билан озиқланиб, ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши, ҳосил тўплаши ва ҳосилни йиғиб олишга салбий таъсир этувчи биотик омиллардан бири эканлиги қайд қилинди. Ғўзада 8 тур кемирувчи, 6 тур сўрувчи зараркунанда, тегишлича, сабзавотларда – 12/6 тур, қовунларда – 7/7 тур, бедада – 7/5 тур, донли экинларда – 7/8 тур ва дуккаклиларда – 9/5 турдаги ҳашаротлар ўсимликларга катта зарар келтиради. Қишлоқ хўжалик экинларига ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир кўрсатувчи экологик омиллар таъсиридаги ҳашаротларнинг аҳамиятини синчиклаб ўрганиш ва илмий жиҳатдан асослаш талаб қилинади. Ҳашаротларнинг метаморфоз, яъни бир-биридан кескин фарқ қиладиган тўртта фаза шаклида: тухум, қурт, ғумбак ва етук зот турида ривожланиши уларни бошқа ҳайвонлар турларидан кескин ажратиб турадиган хусусияти ҳисобланади. 2-расмда ҳашаротларнинг биоэкологик ривожига таъсир қилувчи экологик омиллар турларини 4 та гуруҳга ажратиб ўрганишнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган.



Изоҳ: ⟶ Таъсири катта, – – ▸ Таъсири ўртача, – · · ▸ Таъсири кам

2-расм. Атроф-муҳит омилларининг ҳашаротлар турларига таъсири жадвали

Чимбой, Кегейли, Нукус туманлари, 2015-2019 йй. (С.А.Мурадов (1986), Е.Ш.Торениязов (2017) маълумотлари асосида)

Бунда абиотик омил – ҳаво ҳарорати, нисбий намлик, ёруғлик, ёғингарчилик; биотик омил – ўсимликлар, ҳайвонлар, энтомоакарифаглар; гидро-эдафик омил – сув, тупроқ таркиби; антропоген омил – ерлардан фойдаланиш ва зараркунандаларга қарши кураш даражаси, ўз навбатида, таъсир этиш даражаси катта, ўртача ва кам мезонлар турида ифодаланади. Абиотик омилларнинг инқирозли даражалари ҳашаротлар сонига ижобий ва салбий таъсир кўрсатиб, улар тарқалишининг асосий омиллари ҳисобланади, натижада ҳашаротлар турининг ривожланиш биоэкологияси белгиланади. Гидро-эдафик омиллар жонзотларнинг асосий яшаш жойи ҳисобланса, биотик омиллар ҳашаротлар билан озиқланувчи – қушлар ва сут эмизувчилар, судралиб юрувчилар, энтомоакарифаглар сонининг кескин камайиб кетиши ва касалланишида асосий омил ҳисобланади. Ҳимоя қилиш тадбирларини ўтказиш пайтида антропоген омиллар таъсири натижасида зараркунандаларнинг айрим турлари камайган, энтомоакарифаглар турларининг сони эса кўпайгани исботланди.

Диссертациянинг **«Абиотик омиллар аҳамиятини аниқлаш»** деб номланган тўртинчи бобида Қорақалпоғистон шароитида ўртача кўп йиллик кузатувларга нисбатан ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва нисбий намликнинг пасайиб боришини кузатиш натижалари акс эттирилган (1-жадвал).

1-жадвал

Қорақалпоғистон агробиоценози вегетация даврида абиотик омилларнинг ўзгариш мезонлари

(Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой метеостанцияси, 2016-2019 йй.)

Кўрсаткичлар	Юқори	Ўртача	Паст
Ҳаво ҳарорати, ºС	42-45	24-27	8-12
Фойдали ҳарорат қуйи чегараси, 10ºС	2486-2235	1985-2013	1793-1901
Нисбий намлик, %	74-82	55-68	15-18
Шамол тезлиги, м/с	11-16	5-6	2-3
Ёмғир, мм	52,3-69,5	14,3-16,2	1,6-2,1
Тупроқ шўрланиш, %	2,1-1,9	0,3-0,4	0,01-0,02

Тадқиқотлар олиб борилган йилларда қиш, баҳор ва ёз ойларида ҳавонинг ўртача кўп йиллик ҳарорати 1-8 °С га кўтарилган бўлса, 2016, 2018 ва 2019 йилларда куз ойларида бироз паст бўлганлиги кузатилди (3-расм). Бу жараён ҳашаротлар ривожига жиддий таъсир этиши, қишдаги об-ҳавонинг юмшоқ бўлиши эса қишлайдиган ҳашаротлар турларининг тўла қишлаб чиқишига қулай имконият яратиши қайд этилди. Ҳаво ҳарорати ўртача 24-27°С, максимал ҳарорат эса 33-35°С бўлган ёз ойларида ҳашаротлар фаол ривожланиши кузатилди, ҳаво ҳарорати максимал даражадан юқори бўлган пайтларда ҳашаротларнинг ёзги тиним ҳолига ўтиши аниқланди. 2015; 2018 ва 2019 йилларда ҳаво ҳарорати максимал даражасининг 40-44°С га кўтарилиб кетиши, нисбий намликнинг ўртача кўрсаткич 30-35%, минимал даражаси 10-13% бўлиши ҳашаротлар сони камайиб кетишининг асосий омиллари эканлиги исботланди.



3-расм. Қорақалпоғистон шароитида ҳаво ҳарорати ўзгаришининг кўп йиллик маълумотларига нисбатан таҳлили
(Қорақалпоғистон Республикаси Чимбой метеостанцияси маълумотлари асосида)

Абиотик омиллар ўзгаришининг таъсири кемирувчи ҳашаротлар тунламларининг ривожланиш биоэкологиясида яққол қўринади. Бу ҳолат, фикримизча, ҳаво ҳарорати юқори, нисбий намлик эса паст бўлган 2015 ва 2018 йилларда ушбу турларнинг сони ва тарқалиш диапазонлари бироз паст бўлганли билан боғлиқ бўлиши билан эфодаланади.

Диссертациянинг **«Биотик омиллар тасири»** мавзусидаги бешинчи боби фаслларида биотик омиллар объекти, ҳашаротлар сони ва тарқалиш ареали камайишининг таъсир даражаси, ҳашаротлар ривожига таъсир этадиган биотик омиллар тўғрисида маълумотлар келтирилган. Олинган натижалар назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, улар иккита гуруҳга: ўсимликлар ва ҳайвонларга ажратиб ўрганилди.

Бирламчи экотизим ва агробиоценоздаги ҳашаротларнинг биоэкологик ривожига ўсимликлар озуқа моддалар манбаи, яшаш шароити, қишлайдиган жойи, ҳимояланиш, намлик ва кислород билан таъминлаш объекти сифатида таъсир қилиши исботланди. Ҳашаротларнинг турлари ва тирикчилик муҳитига боғлиқ ҳолда, майдонлар учта гуруҳга ажратилиб, объектларнинг таъсир этиш даражаси аниқланди (4-расм).

Популяциялар ва уларнинг тўплари одатда табиий тирикчилик шароитларда ўрганилади. Ҳашаротларнинг тупроқда яшайдиган турларига ўсимликлар озуқа учун кўпроқ, қишлаб чиқиш, намлик ва кислород билан таъминлашда ўртача ва ҳимояланиш учун паст даражадаги аҳамиятга эга эканлиги, ўсимликлар танасида тирикчилик этадиган ҳашаротлар учун эса ўсимлик намлик ва кислород билан таъминлашда ўртача даражада таъсир этиши, озуқа моддалари, салбий таъсирлардан ҳимояланишда фаол омиллар сифатида самарали эканлиги исботланди. Сувда ҳаёт кечирадиган ҳашаротлар учун ўсимлик озуқа сифатида асосий омил бўлса ҳам, қишлаш, ҳимоялаш, кислород билан таъминлашда бироз паст даражадаги таъсир этиши эътиборга олинди.



Изоҳ: ⟶ Таъсири катта, – – ▸ Таъсири ўртача, – · · ▸ Таъсири кам

4-расм. Ўсимликларнинг ҳашарот турларига таъсир этиш даражаси Чимбой, Кегейли, Нукус туманлари, 2015-2019 йй.

Ўсимликларнинг турлари, уларнинг жойлашиш шароитлари фазаларига боғлиқ ҳолда, ҳар хил ҳашаротлар тўпланиб, асосий моддалар билан озиқланганда фаол, улар иккиламчи даражаларида ривожланганда эса биологик хусусиятлари суст даражада бўлиши кузатилди. Кемирувчи ҳашаротлар турларининг оналиқ зоти тухум қўйиш учун маданий экинларга нисбатан асосан бегона ўтларни танлаганда, уларнинг қуртлари 14-15 кунда ғумбакка айланиб, 9-10 кундан сўнг капалаклар учиб, 1625-1818 дона тухум қўйганлиги аниқланди. Сўрувчи зараркунандалардан ширалар *(Aphididae)* полиз экинлари ва сабзавотлар турлари билан озиқланганда 10 кун давомида келгуси авлоди сони 18,9-24,3 донагача, оққанот *(Bemisia tabaci Genn.)* 3,0-6,3 дона, қандала *(Lygus pratensis)* 2,1-4,2 донагача, келгуси авлод оммавий кўпайиб бориши ҳисобга олинди.

Ҳашаротлар турлари ўзгариши ва ривожидаги биотик омилларнинг иккинчи тури – ҳайвонлардир. Даладаги ҳашаротлар турлари ва фазалари тупроқда, ўсимликда, сувда ҳаёт кечиришига қарамасдан, ҳашаротлар билан озиқланадиган судралиб юрувчилар, кемирувчилар, сут эмизувчилар, қушлар томонидан ҳашаротлар сонининг камайтирилиши асосий биотик омил ҳисобланади. Бунинг сабаби шундан иборатки, ҳашаротлар билан озиқланадиган турларнинг аксарияти зарарли ҳашаротлар сонини кескин камайтириб юбориши маълум эканлиги исботлаган.

Бундан ташқари, ҳашаротлар энтомоакарифаглари паразит ва йиртқичлар ҳисобидан зараркунандалар сонини 81,0-93,0% га камайтирган

бўлса, трихограмма *(Trichogramma evanescens West.)*, бракон *(Bracon hebetor Say.)*, хон қизи *(Coccinella septempunctata)*, олтинкўз *(Chrysopa cornea Steph.)*, энкарзия *(Encarsia Formosa Gahan)* турларидан қарши кураш воситаси сифатида қўлланилганда аксарият касалликлар ҳашаротларнинг ривожланиш босқичларида пайдо бўлади. Тухумлари қанча кам бўлса, қуртлари касалликлар таъсиридан кўпроқ даражада (14,9%) касалланиш туфайли нобуд бўлиши ҳисобга олинди.

Диссертациянинг **«Антропоген омиллар хусусиятлари»** деб номланган олтинчи бобида ҳашаротлар турлари сонининг ўзгаришига инсон фаолиятининг таъсирини ўрганиш бўйича тавсиялар келтирилган (2-жадвал).

Инсон томонидан бирламчи экотизимнинг ўзлаштирилиши туфайли мавжуд ҳашарот турлари камайганлиги, улардан айримларининг кўпайиши, турлар ва сони ўртасида янги миқдорий нисбатлар пайдо бўлиб, биологик организмларнинг озиқланишидаги нисбатлар ўзгариши қайд этилган.

2-жадвал

Ҳашаротлар ривожига антропоген омиллар таъсири

(Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли, Нукус туманлари, 2015-2019 йй.)

Омиллар гуруҳлари	Мезонлар	Даражаси
Бирламчи экотизимни ўзлаштириш	Кўпаяди	++
	Камаяди	++
Қишлоқ хўжалик экинлари турларини экиш	Кўпаяди	+++
	-	-
Бегона ўтларни йўқ этиш	-	-
	Камаяди	+++
Экинларга қўлланиладиган агротехник тадбирлар	-	-
	Камаяди	++
Зараркунандаларга қарши биологик кураш	Кўпаяди	++
	Камаяди	+++
Зараркунандаларга қарши кимёвий препаратларни қўллаш	-	-
	Камаяди	+++
Ҳашаротларнинг кўпайиш асослари, табиий энтомофаглар	Кўпаяди	+++
	-	-

Изоҳ: - -таъсир этмайди; + -таъсир даражаси кўринади; ++ -таъсир даражаси ўртача; +++ -таъсир даражаси катта.

Натижада ўзгариб бораётган муҳитда яшаш учун турлар ва сони ўртасида янги миқдорий нисбатлар пайдо бўлди ва физиологик жараёнларнинг микроиқлимга ва биотик омилларга мослашуви исботланди.

Ҳашаротлар сонини камайтиришга энтомоакарифагларнинг таъсири асосий биотик омил ҳисобланади. Биолабораторияларда кўпайтирилиб, гектарига 200000 донадан тунлам тухумларига қарши тарқатилган трихограмма зараркунандаларнинг 71-74% нобуд этишидан ташқари, бир гектарга 20-30 донадан бракон тарқатилганда самарадорлик 78-81% ни ташкил қилди, авлодлар сони эса 400-450 донага кўпайди.

Олтинкўзни далада пайдо бўлган зараркунандалар тухуми ва қуртларига қарши қўлланганда бир дона қурт бир кунда 80-85 дона, ғумбакка айлангунга қадар 750-1000 дона зараркунанда билан озиқланиб, биологик самарадорлиги 84-89% ни ташкил қилади, бир оналик зоти эса 700-750 донага кўпаяди.

Оққанотнинг махсус энтомофаги ҳисобланган энкарзияни 5-10 донага қарши 1 дона тарқатилганда, биологик самарадорлиги 73-84% ни ташкил қилиб, биттаси 30 дона зараркунандани йўқ қилади.

Зараркунандаларга қарши кимёвий препаратлар ишлатилганда уларнинг сони 91-99% га камайиши ҳисобга олинди.

ХУЛОСАЛАР

1. Қорақалпоғистон Республикаси биоценозида бўғимоёқлиларнинг 100 дан ортиқ тури бўлиб, шулардан ўсимликлар билан озиқланадиган зараркунандаларнинг – 31 тури, ўсимлик организмлари билан озиқланадиган кемирувчи зараркунандалар – 19 тури, ўсимликларнинг озиқлик моддаларини ўзига сингдириб, ўсимликларнинг аксарият турларига тузалмас зарар етказадиган сўрувчи зараркунандалар – 12 та тур.

2. Ҳашарот турлари сонини энтомоакарифаглар (трихограмма *(Trichogramma evanescens West.)*, бракон *(Bracon hebetor Say.)*, хон қизи *(Coccinella septempunctata.)*, олтинкўз *(Chrysopa cornea Steph.)*, стафилинид *(Staphylinidae.)* ва б.) ёрдамида камайтиришда биологик самарадорлиги 31,5-72,7% ни ташкил қилади ва ҳар йили 14,9% сони касалланиш туфайли нобуд бўлган.

3. Нисбий намлик минимал даражасининг 10-15% га пасайиши ҳашаротлар ривожига салбий таъсир кўрсатиши исботланди. Ҳавонинг минимал, максимал, мақбул элементлари, самарали иссиқлик меъёри, ҳавонинг нисбий намлиги ва ёғинлар меъёри ҳудудда тарқалган ҳашарот турлари ривожининг асосий омиллари ҳисобланади. Қишда ҳаво ҳароратининг 20-25°С ва ёзда 40-44°С бўлиши ҳашаротлар учун критик ҳолат эканлиги исботланган.

4. Ҳаво ҳарорати 24-27°С ва нисбий намлик баҳорда 60-70%, ёзда 40-50% бўлиши ҳашаротлар учун оптимал шароитлар эканлиги аниқланди. Июнь, июль, август ойларидаги мазкур мезонларнинг ўзгариши асосида ҳашаротларнинг ривожланиш биоэкологиясини башарот қилиш тавсия берилган.

5. Биоценозда қишлоқ хўжалик экинлари зараркунандаларининг сонини камайтириш, биотик омиллар сифатида ўсимликлар ва ҳашаротлар орасидаги озиқланиш занжиридан фойдаланиш, зараркунандалар ареали кўпайган биотопларда энтомоакарифаглар сонини кўпайтириш, антропоген омиллар таъсиридаги қарши кураш элементлери ҳисобидан агробиоценоздаги ҳашаротлар сонининг мувозанатини ушлаб туриш тавсия этилган.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.02/30.12.2019.B.79.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК

КАРАКАЛПАКСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ТОРЕНИЯЗОВА ЛАЛАХАН ЕЛМУРАТОВНА

НАУЧНЫЕ ОСНОВЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ ВЛИЯНИЯ ИЗМЕНЕНИЙ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ НА РАЗВИТИЕ НАСЕКОМЫХ И ИХ ИСПОЛЬЗОВАНИЕ В УСЛОВИЯХ КАРАКАЛПАКСТАНА

03.00.10 – Экология

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ

Нукус – 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2017.3.PhD/B125

Диссертация выполнена в Каракалпакском государственном университете

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного Совета www.aknuk.uz и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Шамуратова Нагима Генжемуратовна** доктор сельскохозяйственных наук, доцент
Официальные оппоненты:	**Абдуллаев Икрам Искандарович** доктор биологических наук, профессор
	Матжанова Холида Казакбаевна кандидат биологических наук, доцент
Ведущая организация:	**Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2020 года в _____ часов на заседании Научного совета PHD.29.12.2018.B79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц-зал института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан: «_____» _____ 2020 г.
(реестр протокола рассылки № «_____» от «_____» _____ 2020).

Аимбетов Нагмет Каллиевич
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор, академик,

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор PhD биологических наук.

Тлеумуратова Бибигуль Сарыбаевна
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученой степени доктора наук, д.ф.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

В настоящее время в связи с быстрым ростом населения во всем мире удовлетворение потребностей населения в продуктах питания в большинстве стран становится серьезной проблемой. Это, в свою очередь, требует улучшения экологической ситуации, разработки экологически чистых пищевых продуктов, защиты природных ассоциаций, разработки научных основ рационального использования полезных животных и рационализации систем борьбы с вредителями. В результате, повышение общей биологической продуктивности и улучшение экологического баланса агроэкосистем, поддержание их устойчивости, разработка мер по борьбе с вредными видами насекомых имеют теоретическое и практическое значение.

В ведущих мировых исследовательских центрах проводятся многочисленные исследования по распространению насекомых в агробиоценозах, экологии членистоногих на сельскохозяйственных угодьях и посевах, проблемам борьбы с вредителями.

В связи с этим сохранение биологического разнообразия агробиоценозов требует выявления основных экологических факторов, влияющих на распространение, биоэкологическое развитие и выживаемость насекомых (*Insecta*), принадлежащих к роду членистоногих насекомых (*Arthropoda*).

Существенные результаты достигаются в борьбе с вредными видами насекомых и сохранении биоразнообразия агроэкосистем на основе программных мер, принимаемых в Республике для устойчивого развития и поддержания экологического баланса между биологическими организмами в экосистемах. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан ставит конкретные задачи по «... созданию эффективных механизмов реализации научных и инновационных достижений». Исходя из вышеперечисленных задач, большое научное и практическое значение имеют применение современных методов изучения экологии членистоногих сельскохозяйственных культур, меры борьбы с видами-вредителями и разработка эффективных методов.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан ПП-2731 от 18 января 2017 года «О Государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 гг.»[1], Постановлением Президента Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»[2], а также других нормативно-правовых документов, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в

[1] Указ Президента Республики Узбекистан ПП-2731 от 18 января 2017 года «О Государственной программе развития региона Приаралья на 2017-2021 гг.»

[2] Постановление Президента Республики Узбекистан ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»

соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики -V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Во многих странах мира, в частности, в США, Австралии, Турции, Иране, Северном Кавказе, Армении, Азербайджане, России, Индии, Таджикистане, Туркменистане, Казахстане последовательно продолжается изучение различных видов растений и животных, распространенных в первичной экосистеме, агробиоценозе, в том числе экологии членистоногих, распространенных на полях и посевах сельскохозяйственных культур, проведение мер борьбы против вредоносных видов, такими учеными, как M.S.Mani, 1968; R.F.Morris, 1959; Ю.И.Чернов, 1975; А.А.Шаров, 1986; В.А.Бурыгин, 1990; М.Брайен, 1986; Г.А.Викторов, 1976; В.Д.Валова, 2001; М.С.Дворовский, 1983; А.И.Дятлов, 1959; М.И.Марцинковская, 1990; А.М.Гиляров, 1990; Г.И.Голубев, 1999; О.В.Ларина, 2014; Ю.Одум, 1986; И.А.Шилов, 2003; Б.Чернышев, 2001; В.А.Черникова, 2000.[3].

В этом направлении ведутся регулярные исследования в Центральной Азии, в частности научно-исследовательские работы, проводимые в условиях Узбекистана по видовому составу растений и животных (насекомых) на посевах сельскохозяйственных культур. В научных работах М.Б.Аметова (1984), Ж.А.Азимова (1998), А.Г.Давлетшиной (1974), М.Мухитдинова, А.Н.Нигматова (2007), Г.Я.Бей-Биенко (1976), А.Ишматова (2007), А.Рафикова (2000), Х.Турсунова (1997), Д.Ёрматовой (2011), М.А.Жуманова (2017), Т.Жумаева (2004), Ш.П.Каиповой (1999), С.М.Мамбетуллаевой (1998), Т.Нуратдинова (1994), М.Палваниязова (1973), Р.Реймова (2003), Б.А.Сулаймонова (2013), Г.И.Торемуратовой, Е.Ш.Торениязова (1999), Х.Турсунова (1997), С.Е.Трешкина (1994), Ж.Уразбаева (2017), И.Холлиева (2001), Ш.Т.Ходжаева (2004), В.В.Яхонтова (1955), А.Э.Эргашева (2005) получены важные результаты по распространению, биоэкологическим особенностям развития членистоногих, вредоносности и обособленности по группам, изучению критерия воздействия экологических факторов на особи, а также разработки мероприятий по борьбе с вредными видами насекомых.

Но в связи с тем, что агробиоценоз Каракалпакстана в региона Приаралья до конца не изучен, актуальным научно-практическим значением является определение особенностей изменения закономерностей биологической связи между организмами, в том числе видами сельскохозяйственных культур и насекомыми, распространяющимися на полях.

Связь диссертационного исследования с планами научно-исследовательских работ высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с научно-исследовательским планом Каракалпакского научно-

[3] http://www.works.doklad.ru, http://www.km.ru, www.dissercat.com, researechget.com, http://www.fundamental-research.ru, www.webofscience.com и др.

